


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022  
IYUN  
№41



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.



+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00



[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
9-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-9**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-9**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 41-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 32 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Маврулов Равшан Нематжонович</b>	
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТГИЧЛАРИ .....	7
<b>2. Sodikova Shahrizoda</b>	
IMPORTANCE OF INNOVATIONS IN ENTREPRENEURSHIP .....	11
<b>3. B.S. Mirzayev</b>	
O'ZBEKISTONDA SUG'URTA BOZORINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI VA HAYOT SUG'URTASINI SUG'URTALOVCHI KOMPANIYALAR BOSHQARUV MUAMMOLARI.....	13
<b>4. Файзуллаев Достон Маҳмуд ўғли</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТИРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	15
<b>5. Джалилов Достонбек Абдуазизович</b>	
ПОТЕНЦИАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	17
<b>6. Юлдашева Нилюфар Абдуваҳидовна</b>	
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ - САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА .....	20
<b>7. Ubaydullaeva Dilrabo Boborahmatovna</b>	
MOLIYA XIZMATLAR BOZORIDA INTERNET SAVDONING JAHON IQTISODIYOTIDAGI АHAMİYATI .....	22
<b>8. Farxodjonova E'zoza Nodir qizi, Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li</b>	
TURIZM IQTISODIYOTNING ASOSIY RIVOJLANISH OMILLARIDAN BIRI.....	25
<b>9. Farxodjonova E'zoza Nodir qizi, Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li</b>	
SOCIO-ECONOMIC SIGNIFICANCE OF BUSINESS ACTIVITY DEVELOPMENT .....	27
<b>10. Farxodjonova E'zoza Nodir qizi, Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li</b>	
KORXONANING BOSHQARUV FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH YO'NALISHLARI .....	29
<b>11. Mamatkulova Nodira Maxkamovna</b>	
SANOAT KORXONALARIDA SIFATNI BOSHQARISH VAZIFALARI .....	31



## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТГИЧЛАРИ

**Маврулов Равшан Нематжонович**

Наманган муҳандислик-технология институти

“Иқтисодиёт” кафедраси таянч докторанти.

Тел: +998903940944

E-mail: Mavrulov1989@gmail.com

**АННОТАЦИЯ:** Мазкур мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик субъектларини фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни аниқлаш кўрсатгичларининг аҳамияти, самарадорликка тъсири этувчи омилларнинг гурухланиши, кичик бизнесда самарадорлигини баҳолаш иқтисодий кўрсаткичларини тахлил қилишнинг назарий асослари ёритилган.

**КАЛИТ СҮЗЛАР:** кичик бизнес, самарадорлик, ички ва ташқи омиллар, тахлил асослари.

Минтақа иқтисодиётининг тармоғи сифатида кичик бизнес давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, чунки унинг жадал ва барқарор ривожланиши минитақа иқтисодиётни самарадорлиги, жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш даражаси ва йирик тадбикорлик субъектларига асос солишда ижобий тъсири кўрсатади. Шунингдек, янги иш ўринлари, бюджет самарадорлигини ошириш, бизнес соҳасида янги инновацион йўналишларни кашф этиш имконини беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичларини таснифлашда кўплаб ёндашувлар мавжуд. Уларни икки гурухга ажратиш мумкин:

- молиявий кўрсаткичлар;
- молиявий бўлмаган кўрсаткичлар.

Анъанага кўра кичик бизнес субъектларининг молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш кўлланилади, аммо ҳозирги даврда кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, кадрлар масалари тавсифловчи молиявий бўлмаган кўрсаткичлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кичик бизнесда самарадорлик даражаси турли кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Улар ишлаб чиқариш фаолиятининг турли соҳаларини қамраб олади. Самарадорлик кўрсаткичлари мураккаб ва ўзига хос бўлган хусусиятдир. Хусусиятлар турлича бўлиб уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатdir:

- ишлаб чиқарилган ёки савдо майдони бирлигига ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ҳажми;
- бир ходимга тўғри келадиган ишлаб чиқарилаган ёки сотилган маҳсулот ҳажми;
- ишлаб чиқариш ёки чакана савдо майдончаси бирлигига маҳсулот чиқариш ёки сотишдан олинган барча турдаги фойда;
- инвестициялар ҳажми.

Замонавий илмий нашрларда "самарадорлик" (лот. effectus – ҳаракат) атамаси тъсири тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. С. И. Ожегованинг келтиришича самарадорлик - бу ҳаракатнинг натижаси сифатида таърифлаган [1]. Бу эса кичик бизнес фаолияти самарадорлигига тъсири молиявий фаолиятнинг якуний натижаларига қараб хulosा қилишни билдиради. Шу билан бирга, кўплаб муаллифлар учун "самарадорлик" тушунчаси бир маъноли талқинга эга эмас, лекин самарадорлик мезони кўпинча исталган натижага эришиш ёки энг катта натижаларни кўзлашни англалади.


"Самарадорлик мезони" - бу тадбикорлик тузилмаларини иқтисодий самарадорлик даражасининг ўлчови ва "Самарадорлик кўрсаткичи" эса тадбикорлик ҳолати ва



ривожланишининг микдорий ифодасини билдиради [2].

Кичик бизнесда самарадорлигини баҳолаш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашга асосланади. Корхона тузилишининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари ресурслардан фойдаланиш ёки сарфланган харажатлар билан боғлиқ ҳолда олинган натижадаражасини баҳолаш имконини беради.

Самарадорлик мураккаб иқтисодий категория бўлиб, одатда унинг даражасини ўлчаш учун турли кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозимдир. Иқтисодий мазмуни бўйича барча кўрсаткичлар натижанинг харажатларга ёки ресурсларга нисбатини ифодалайди (1-расм).



**1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини белгиловчи мезон<sup>1</sup>.**

Бизнес субъектлари фаолиятининг самарааси сифатида маҳсулот ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажмига ёки молиявий натижага қараб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари ва молиявий самарадорлик кўрсаткичларига бўлинади.


Кичик бизнесга ихтисослашган тадбиркорлик фаолиятини баҳолашнинг энг кенг тарқалган усули харажатларнинг рентабеллиги (фойданинг харажатларга нисбати) ва сотишнинг рентабеллиги (фойданинг маҳсулот ва хизматларни сотишдан олинган даромадга нисбати) хисобланади.

Замонавий шароитда кичик бизнес фаолияти кўрсаткичларнинг мувозанати ва стратегик йўналиши тадбиркорлик субъектининг самарадорлигини ошириш учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Баланслаш тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

- тизимга тадбиркорлик фаолиятининг барча жиҳатларини тавсифловчи кўрсаткичлар киради (моддий ва номоддий активларнинг ишлаш кўрсаткичлари);
  - баланслаш тизимга тавсифловчи уч кўрсаткичлар;
  - кичик бизнес субъектининг аввалги ҳолати;
  - кичик бизнес субъектининг ҳозирги ҳолати;
  - кичик бизнес субъектининг келажакдаги ҳолати;
- баланслаш тизимида эришилган натижаларни тавсифловчи якуний кўрсаткичлар ҳам, натижаларга эришишга олиб келган асосий омилларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳам мавжудлиги. Тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишда унга таъсир этиши мумкин бўлган омиллар хақида тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамиятлилиги (1.2-расм).

<sup>1</sup> Манба муаллиф ишланмаси



**1.2-расм. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини баҳолашга таъсир этувчи омиллар мажмуи<sup>1</sup>**

Расмдан кўриш мумкинки кичик бизнес юритувчи тадбиркорлик субъектлари самарадорликка эриши ва уни аниқлашда тадбиркорлик фаолияти жараёнларини тавсифловчи ички ва ташки омилларни ҳисобга олиш кераклигини кўрсатмоқда. Ички ва ташки таъсир этувчи омиллар ҳар доим соҳани самарали фолият юритишига ҳамда уни аниқлашда восита сифати доимо эътиборга олишни талаб қилади.

Тадқиқотнинг тахлил этишда шу нарса маълум бўлдики Е.М.Пименова ўз илмий мақоласида кичик бизнес юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва уни баҳолашда субъектни икки турга ажратиб олиш кераклигини қайд этган:

1) иқтисодий мақсадларга интиладиганлар (бизнесни ривожлантириш ва инновацияларни жорий этиш);

2) кичик бизнесга йўналтирилган, аммо иқтисодий бўлмаган мақсадларга эга бўлганлар (масалан, шахсий қониқиши ёки оиласининг турмуш даражасини таъминлаш) [3].

Классик иқтисодий адабиётларда тадбиркорликдаги муваффақият ва фаолиятнинг самарадорлиги нафақат иқтисодий билимларни, балки бизнес тажрибасини ҳам талаб қилиниши қайд этилган. Худди шундай тадбиркор ҳам фақат хато ёки камчиликлари туфайли эмас, балки қисман омадсизлик туфайли ҳам банкрот бўлиши мумкин. Шу билан бир каторда, бу умумий бизнес шароитларига боғлиқ. Аксарият тадбиркорлар ўз муваффақиятларини умумий ва маҳсус имкониятлар (тўғри билим ва қўнималарга эга бўлиш), капитал ва омад билан боғлашади.

1 Манба муаллиф ишланмаси



Юқоридаги имкониятларга эга бўлган тадбиркор бошқаларга нисбатан сезиларли афзаликларга эга. Тадбиркор ижодкор бўлиши ва олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлиши керак. Қайд этилган имкониятлар саноатга, тадбиркор эга бўлган бизнес тажрибасига ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларини билишга боғлиқ бўлиб, бу муваффақият эҳтимолини сезиларли даражада оширади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ожегов С.И. Словарь русского языка. Изд. 8-е, стереотип. М.: Советская Энциклопедия, 1970. 900 с.
2. Сутягин В. Ю. Практические аспекты оценки стоимости капитала российских компаний // Финансовая аналитика: проблемы и решения. Москва. 17 сентября 2013. № 36 (174). С.24
3. Е.М.Пименова. “Критерии оценки эффективности и успешности предпринимательства и малого бизнеса” Статья, Ж: Креативная экономика - Том 14, Номер 10 (Октябрь 2020), С-5.
3. Мухитдинов, Ш. З. (2021). ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 1(6), 939-943.



## IMPORTANCE OF INNOVATIONS IN ENTREPRENEURSHIP

Sodikova Shahrizoda

Master student of University of  
World Economy and Diplomacy

+998901338500

tshsh241@gmail.com


**Abstract:** this thesis analyzes the importance of innovation in entrepreneurship by learning key benefits of innovation in every business area and compares the most innovative companies in the world according to 2021's statistics.

**Key words:** innovation, productivity, entrepreneurship, competitive, consumer expectations, strong brands, great products.

Innovation is very important in entrepreneurship. In the highly competitive world we live in, innovative ideas set us apart. And innovation keeps the company relevant for a long time. You need to innovate to create great products, strong brands, and build a customer network. Entrepreneurs know that innovation is a job. It requires knowledge, creativity, and the willingness to challenge what has been established as a given truth. That doesn't necessarily mean creating something completely new. Innovators can take existing products, analyze changing needs, improve, modernize and optimize them for their customers.

Innovation and creativity are often used interchangeably. They are similar, but not the same. The use of creativity in business is important because it encourages unique ideas. This novelty is an important element of innovation. For an idea to be innovative, it must also be useful [1]. Creative ideas do not always lead to innovation, as they do not always produce feasible solutions to problems. Simply put, innovation is a novel and useful product, service, business model, or strategy. Innovation does not have to be a major innovation or new business model. They are as easy as upgrading your company's customer service or adding features to your existing products.

Successful innovation needs to be part of a business strategy that creates a culture of innovation and enables creative thinking. Innovation is an entrepreneurial promoter, and innovative ideas make startups competitive. Here we can see some of the key benefits of innovation in business (Fig 1):



**Fig 1. The key benefits of innovation in business [2]**

To be productive, you need to start finding new processes. To work smarter, think creatively and focus on what you keep and what you remove. Also, don't forget the programs and workflows you can use to improve your productivity. Innovative thinking makes it very easy to be competitive. With a little creativity, it's easy to find innovative ways to design your products and connect with



your customers. Creativity also helps you implement the best marketing techniques to help your business grow. To solve a particular business problem, you need to find visionary creative ideas and innovative solutions. To find an answer that you didn't expect, it's important to think outside the box. This allows you to solve stubborn problems and come up with effective business solutions. Consumer expectations and choices are making businesses more customer-centric through innovative changes. Incorporating human-centric devices to enhance the experience has added value and created new ways to invent services and products. Innovation and entrepreneurship are inextricably linked and are important functions of all businesses. Entrepreneurs innovate by using change as an opportunity for another business or service.

Good commitment promotes value creation and resilience. Check out the annual list of BCG from 50 of the world's most innovative companies. Just before the major financial crisis, the 50 most innovative companies in 2007 generated total shareholder profits that exceeded the market by 4 percentage points each year between 2007 and 2012. And the story of COVID-19 is similar. The 50 most innovative pre-pandemic companies in 2020 have surpassed the index by a staggering 17 percentage points over the past year. 'Out performance is still 13 percent points (Pic 1).

Rank: 1-10	Rank: 11-20	Rank: 21-30	Rank: 31-40	Rank: 41-50
1 Apple	11 Siemens	21 Toyota	31 Xiaomi	41 Inditex
2 Alphabet	12 LG	22 Salesforce	32 IKEA	42 Moderna
3 Amazon	13 Facebook	23 Walmart	33 Fast Retailing	43 Philips
4 Microsoft	14 Alibaba	24 Nike	34 Adidas	44 Disney
5 Tesla	15 Oracle	25 Lenovo	35 Merck & Co.	45 Mitsubishi
6 Samsung	16 Dell	26 Tencent	36 Novartis	46 Comcast
7 IBM	17 Cisco	27 Procter & Gamble	37 Ebay	47 GE
8 Huawei	18 Target	28 Coca-Cola	38 PepsiCo	48 Roche
9 Sony	19 HP	29 Abbott Labs	39 Hyundai	49 AstraZeneca
10 Pfizer	20 Johnson & Johnson	30 Bosch	40 SAP	50 Bayer

Pic 1. 2021's 50 Most Innovative Companies [3]

To conclude, drive business growth, stay relevant in times of change, and differentiate from competitors, business leaders must be able to think creatively and infuse innovation into their business models [4]. However, that does not mean that the willingness to innovate is the only factor in success. Leaders also need to have a solid understanding of how to achieve that innovation. One way to do this is to gain experience working on exciting, rewarding and innovative projects. This gives you the skills you need to be the driving force behind your company.

#### References:

1. <https://online.hbs.edu/blog/post/importance-of-innovation-in-business>
2. Prepared by the author according to the information of <https://www.bcombinator.com/innovation-and-entrepreneurship-are-as-the-key-function-of-every-business> web-site
3. <https://www.bcg.com/publications/2021/most-innovative-companies-overview>
4. <https://www.northeastern.edu/graduate/blog/importance-of-innovation/>



**O’ZBEKISTONDA SUG’URTA BOZORINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI VA  
HAYOT SUG’URTASINI SUG’URTALOVCHI KOMPANIYALAR BOSHQARUV  
MUAMMOLARI**

**B.S. Mirzayev**

O’zMU tayanch doktarant  
+998 977078494

**Annotatsiya:** Hozirgi yuksak darajada rivojlangan ijtimoiy iqtisodiyot sharoitida odamlarning turmush darajasi ancha yaxshilandi, ularning sug’urtaga bo’lgan talabi ham ortib bormoqda. Shu nuqtai nazaridan, hayotni sug’urtalovchi kompaniyalarning biznes hajmi juda katta. O’zining rivojlanish samaradorligini yaxshilash va mijozlarga nozik va professional xizmatlarni taqdim etish uchun hayotni sug’urtalovchi kompaniyalar o’zlarining biznesni rivojlanish xususiyatlaridan kelib chiqib, moliyaviy menejmentni ilmiy va har tomonlama mustahkamlashlari, moliyaviy boshqaruv samaradorligini doimiy ravishda yaxshilashlari va haqiqatan ham muvaffaqiyatga erishishlari kerak.

**Kalit so’zlar:** hayotni sug’urtalovchi kompaniya; moliyaviy menejment; kuchaytirish choralari

Sug’urta sohasining jadal rivojlanishi jarayonida sug’urta kompaniyalarining moliyaviy boshqaruvi alohida ahamiyatga ega. Bu bosqichda odamlarning hayotni sug’urtalashga bo’lgan talabi nisbatan katta bo’lishini inkor etib bo’lmaydi, lekin sug’urta mablag’larini jalb qilish jarayonida odamlar doimo ehtiyyotkorona munosabatda bo’lishadi. Bunday muammoning sababi shundaki, faoliyat va rivojlanish amaliyotida sug’urta kompaniyalari noto’g’ri moliyaviy boshqaruv tufayli nisbatan katta moliyaviy risklarni keltirib chiqarishi mumkin, bu nafaqat o’zlarining sog’om faoliyatiga ta’sir qiladi, balki mijozlarga katta moliyaviy risklarni ham keltirib chiqaradi. Shu sababli, agar hayotni sug’urtalovchi kompaniyalar jadal rivojlanishda davom etishni, moliyaviy risklarning oldini olish imkoniyatlarini chinakam yaxshilashni va moliyaviy menejmentdagi turli jarayonlarni doimiy ravishda tartibga solishni istasalar, ular moliyaviy menejmentni har tomonlama va chinakam mustahkamlash uchun bir nechta choralarni ko’rishlari kerak. moliyaviy boshqaruvning umumiyligi samaradorligini oshirish uchun:

Hayotni sug’urtalash kompaniyalarining faoliyati va rivojlanishida samarali va ilmiy moliyaviy boshqaruv doimo muhim amaliy rol o’ynagan. Moliyaviy menejmentning mohiyati moliyaviy tizimni oqilona tashkil etish, moliyaviy strategiyani ishlab chiqish va moliyaviy strategiyani amalga oshirish orqali maksimal foyda olish uchun moliyaviy resurslarni samarali ishlab chiqish va taqsimlashdan iborat.

Hayotni sug’urtalash kompaniyalarining faoliyati va rivojlanish amaliyotida samarali va ilmiy moliyaviy menejment doimo muhim amaliy rol o’ynagan. O’z rivojlanish samaradorligini yaxshilash, o’z foyda modelini doimiy ravishda optimallashtirish va o’z rivojlanish darajasini yaxshiroq himoya qilish uchun hayotni sug’urtalash kompaniyalari moliyaviy menejmentga katta ahamiyat berishlari, moliyaviy menejmentdagi muhim amaliy muammolarni to’g’ri tushunishlari va samarali faoliyatni faol ravishda qo’llashlari kerak. Ushbu bosqichda hayotni sug’urtalash kompaniyalarining moliyaviy boshqaruvining hozirgi holati quyidagi jihatlarda jamlangan.

- (1) To’lov qobiliyati muammozi
- (2) Kapital qo’yilmalarning nisbatan yagona kanali
- (3) Moliyaviy baholash ishlarini kuchaytirish kerak
- (4) Moliyaviy boshqaruv xodimlari uchun axborot ta’limi doimiy ravishda kuchaytirilishi kerak.

Tez rivojlanish jarayonida hayotni sug’urtalash kompaniyalarining moliyaviy boshqaruv darajasi nisbatan yuqori, risklarga qarshilik ko’rsatish qobiliyati nisbatan kuchli. O’z rivojlanish raqobatbardoshligini doimiy ravishda yaxshilash uchun hayotni sug’urtalash kompaniyalari joriy moliyaviy boshqaruv ish rejimi va usullarini innovatsiyalar va optimallashtirishlari kerak. Bunday rivojlanish fonida hayotni sug’urtalash kompaniyalari samarali va ilmiy moliyaviy menejmentga tayanishi, moliyaviy boshqaruv samaradorligini doimiy ravishda oshirishi, xavf-xatarlarning oldini olish va erta ogohlantirish imkoniyatlarini samarali va samarali oshirishi, o’z obro’sini har tomonlama optimallashtirishi kerak. mijozlarimizning ishonchi va tan olinishi. Amaliyot jarayonida hayotni sug’urtalash kompaniyalari moliyaviy menejmentning muammozi amalga oshirilishini maksimal darajada ta’minlash uchun moliyaviy menejmentdagi mavjud muammolarga asoslangan



samarali echimlarni faol ravishda qabul qilishlari kerak.

- (1) To'lov qobiliyatiga qarab tovon miqdorini aniqlash
- (2) Kapitaldan foydalanish yo'llarini va usullarini faol ravishda kengaytirish
- (3) Moliyaviy boshqaruv tizimini takomillashtirish va moliyaviy baholash va nazoratni kuchaytirish
- (4) Moliyaviy boshqaruv xodimlarining kasbiy qobiliyati va axborot savodxonligini oshirish.

Hayotni sug'urtalash kompaniyalar faoliyati va rivojlanish amaliyotida moliyaviy menejerlar muhim ishtirokchilar hisoblanadi. Agar ularning moliyaviy boshqaruv qobiliyati kuchli bo'lmasa yoki axborot savodxonligi yuqori bo'lmasa, bu tabiiy ravishda moliyaviy menejmentni chuqur targ'ib qilish va ilmiy rivojlanishiga ta'sir qiladi. Shuni hisobga olgan holda, hayotni sug'urtalovchi kompaniyalar moliyaviy menejment jamoasining umumiy sifatini ilmiy va samarali ravishda yaxshilashga e'tibor qaratishlari kerak. Amaliyot jarayonida hayotni sug'urtalovchi kompaniyalar moliyaviy boshqaruv xodimlarining jamoaviy tuzilmasini doimiy ravishda optimallashtirishlari va yuqori sifatli moliyaviy boshqaruv xodimlarini, ayniqsa, strategik va qarorlar qabul qiluvchi moliyaviy boshqaruv xodimlarini faol ravishda joriy etishlari kerak. Yuqori sifatli moliyaviy menejment guruhini tashkil etish moliyaviy menejmentning innovatsion rivojlanishiga chinakam yordam berishi mumkin. Shu bilan birga, hayotni sug'urtalovchi kompaniyalar ham iste'dodli kadrlar tayyorlash tizimini yo'lga qo'yishlari, moliyaviy boshqaruv xodimlarini tayyorlash va o'qitishni har tomonlama kuchaytirishlari, ularning har tomonlama sifati va kasbiy qobiliyatini faol ravishda oshirishlari kerak.

Hayotni sug'urtalash kompaniyalarining faoliyati va rivojlanish amaliyotida samarali va ilmiy moliyaviy boshqaruv doimo muhim amaliy rol o'ynagan. Moliyaviy menejment samaradorligini samarali oshirish uchun hayotni sug'urtalovchi kompaniyalar moliyaviy menejmentda mavjud muammolarni tushunishga e'tibor berishlari, samarali boshqaruv choralarini faol qo'llashlari, moliyaviy menejment darajasini maksimal darajada oshirishlari va o'zlarining uzoq muddatli rivojlanishiga yaxshiroq erishishlari kerak.

#### **Foydalangan adabiyotlar ro'yhati:**

1. “O'zbekiston Respublikasining sug'urta bozorini isloh qilish va uning jadal rivojlanishini chora-tadbirlari to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 2 avgustdag'i PF-4412-sonli qarori.
2. Насретдинова Ш.С. Математическое моделирование финансовой устойчивости страховых компаний. Монография. – Ташкент: “Молия”, 2014.
3. Орланюк-Малицкая Л.А. Страхование. – М.: Высшее образование, 2010.
4. Мирсадыков М., Садритдинов А. Страховой рынок Узбекистана: итоги и перспективы. Бозор, пул ва кредит. – Т.: 2009. -№2.
5. Кўлдошев К.М. Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2009.
6. Баймуратов Т. Суғурта фаолиятида рисклар трансфери. – Т.: Иқтисод молия, 2005.
7. А.А. Гвозденко, Основы страхования: Учебник. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2003.
8. Цыганов А.А., Лайков А.Ю. Проблемы развития страхового рынка // Финансы. 2003. №7.
9. Силласте Г. Социология страхования // Страховое ревю. 2002. №8.
10. В.С. Белых, Страховое право. - М.: «Инфра-М», 2001.
11. М.И. Басаков, Страховое дело в вопросах и ответах -Ростов-на Дону.: изд. "Феникс", 1999.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТИРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Файзуллаев Достон Маҳмуд ўғли**

ЎзМУ иқтисодиёт факултети “Эконометрика ва иқтисодий  
моделлаштириш” кафедраси таянч докторанти

Телефон: +998906789994

fayzullayevdoston12@gmail.com

**АННОТАЦИЯ:** Мақола электрон тижорат тизимини ташкил этиш ва фаолиятининг услугбий жиҳатларини хориж тажрибасини ўрганиш асосида электрон тижоратни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларини таҳлил қилишга ва унинг натижаларини Ўзбекистонда қўллашга бағишлиланган. Электрон тижоратнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш корреляция-регрессия моделига асосланади ва бу турли омилларга боғлиқ виртуал мухит шароитида савдо ҳажмининг ўсишини башорат қилишга ёрдам беради.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Электрон тижорат (ЕТ), Ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ), Интернет бизнес.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни изчил диверсификатсия қилиш, ички ва ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотларни кўпайтириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига бизнес юритиш учун қулайликлар яратиш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, иқтисодиётнинг барча жабҳасига замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий қилишга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон қарори билан электрон тижоратни жадал ривожлантариш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Унда электрон тижорат субъектлари учун қулай шароитларни яратиш кўзда тутилган бўлиб, электрон тижорат субъектлари Миллий реестрининг жорий этилиши шулар жумласидандир. Электрон тижорат субъектлари миллий реестрига электрон тижоратни амалга оширадиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ихтиёрий ва бепул асосда киритилади. Шунингдек қуйидаги фаолият турлари ҳам киритилади:

- электрон савдо майдончалари хизматларини кўрсатиш;
- товарларни етказиб бериш;
- электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар ва хат-хабарларни сақлаш.

Хўжалик юритувчи субъектларни реестрга киритишлари учун электрон тижорат воситасида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлари реализация қилинган товарлар (ишлар) умумий ҳажмининг 80%идан кам бўлмаслиги керак. Мазкур қарорга мувофиқ электрон тижорат билан шуғулланувчи хўжалик юрутувчи субъектларни қўллаб-куватлаш мақсадида бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Миллий реестрга киритилган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар 2,0% ставка бўйича ягона солик тўловини тўловчилари ҳисобланиши шулар жумласидандир [1].

Бундан ташқари товарлар (хизматлар) электрон савдосини амалга оширадиган ва электрон тижорат субъектлари миллий реестрига киритилган солик тўловчилар фойда солиғини 7,5%лик ставка бўйича тўлайдилар. Бироқ электрон тижоратдан олинган даромад 80%дан кам бўлмаганда Миллий реестрга киритилади, бироқ ҳисобот даври (солик) якунлари бўйича ушбу даромад 90%ни ташкил қилмаган тақдирда, корхона 7,5%лик ставкани қўллашга ҳақли эмас.

Электрон тижорат соҳасида COVID-19 пандемия даври ривожланишининг янги даврини бошлаб берди. 2020 йилда яратилган ялпи қўшилган қиймат қарийб 230% га ўсиб 602,0 млрд сўмга етди, бу кўрсаткич 2019 йилда 264,7 млрд сўмни, 2018 йилда эса 107,3 млрд сўмни ташкил этган. Юқорида келтирилган уч йил ичida электрон тижорат соҳасида яратилган ялпи қўшилган қиймат қарийб 6 баробар ошганига қарамай рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратнинг 2020 йилда республика ЯИМ га қўшган хиссаси 2,0 % ни ташкил этган бўлиб, хусусан электрон тижоратнинг улуши 0,1 % ни ташкил этган [2].

Таққослаш учун 2020 йилда электрон тижоратнинг ЯИМ даги улуши бўйича Европа



мамлакатлари орасида энг юкори 3 та ўринни Буюк Британия, Дания ва Эстония мос равиша 9,92%, 7,29% ва 6,78% улуш билан эгаллаган[3].

Келтирилган маълумотлар асосида қилинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз иқтисодиётида электрон тижоратнинг кўламини ошириш, жаҳон иқтисодий майдонида тобора кучайиб бораётган рақобат муҳитиди иқтисодий рақобатбардошликни ошириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотларнинг энг муҳим юналиши саналади. Манашу долзарб масалаларни теран англаган ҳолда, давлатимиз раҳбари – муҳтарам Шавкат Мирмонович Мирзиёев томонидан 05.10.2020 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ВА УНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИRLARI ТЎҒРИСИДА ПФ-6079-сонли Фармони имзоланди [4]. Фармон доирасида мамлакатимизда ракамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган. Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи «Рақамли Тошкент» комплекс дастури амалга оширилаётгани шулар жумласидардир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3724-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти: <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot> 2021-European-E-commerce-Report-LIGHT-VERSION p 10.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли фармони.



## ПОТЕНЦИАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Джалилов Достонбек Абдуазизович

ЎзМУ таянч докторантни

Телефон: +998977042338

djalilov.dostonbek@mail.ru

**АННОТАЦИЯ:** Бугунги кунда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунда потенциал ишлаб чиқариш асосида баҳолаш иқтисодиётни реал сектори ва монетар сектори билан ўзаро алоқасини аниқлаб беради. Мазкур мақолада потенциал ишлаб чиқаришни баҳолаш усуллари ва уларни кўлланилиши йўнлашишлари ёритиб берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** потенциал ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш четланиши, инфляция, ишсизлик.

Потенциал ишлаб чиқариш иқтисодиётда тебранишлар мавжуд бўлмаган ҳолатда ва инфляция келтириб чиқармайдиган ишлаб чиқаришнинг максимал қиймати бўлиб ҳисобланади [1]. Ишлаб чиқаришнинг четланиш эса ҳақиқий ишлаб чиқариш ва потенциал ишлаб чиқариш ўртасидаги фарқ бўлиб ҳисобланади. Потенциал ишлаб чиқариш таклиф кўрсаткичи бўлиб, потенциал ишлаб чиқаришнинг четланиш талабнинг ортиқча ёки (етарли эмаслигини) ифодалайди. Ишлаб чиқариш четланишни мусбат бўлиши талабни ошиб кетгандигини ва манфий ишлаб чиқариш четланиш эса ортиқчи ишлаб чиқариш имкониятларини мавжуддигини ифодалайди. Ишлаб чиқариш четланиш потенциал ишлаб чиқаришнинг вақтинчалик ҳаракатини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш четланишни таҳлили иқтисодиётдаги тебаринишлар таҳлилини бошланғич қисми сифатида тушинилади. Иқтисодиётда тебранишлар ва цикллар мавжуд ҳолатда инфляция келтириб чиқармайдиган потенциал ишлаб чиқариш ҳажмини баҳоланади ва уни ҳақиқий ишлаб чиқариш билан солиширилади.

Амалиётда потенциал ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш четланишини баҳолаш асосан учта мақсадда фойдаланилади:

- Талабни тўлиқ қондириш учун таклифни талаб ҳажмига кўра мувофиқлаштиришга оид сиёсий қарорлар қабул қилишда фойдаланилади;
- Инфляцион рискларни прогнозлаштириш орқали пул-кредит сиёсатини мос бошқаришда фойдаланилади;
- Давлат бюджети балансинини ҳисоблаш имкониятини бериш орқали (баҳоланганди потенциал ишлаб чиқариш асосида давлат бюджети ҳисобланади) давлат бюджет бошқариш мумкин бўлади.

Потенциал ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш четланишини таърифларига қарамай, потенциал ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш четланишини ҳисоблаш муаммоли ҳисобланади чунки потенциал ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш узилишларини кузатиб бўлмайди. Барча мавжуд усуллар билан аниқланган потенциал ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш ҳажмини четланиш булат ҳақиқатга ўхшаш бўлган баҳоланганди қийматлари бўлиб ҳисобланади.

Потенциал ишлаб чиқариш кузатиб бўлмасилигини ҳисобга олган ҳолда потенциал ишлаб чиқаришни баҳолагандан кейин уни асосан ишсизлик ва нарх даражалари билан ўзаро алоқадорлигини текшириш орқали баҳоланганди потенциал ишлаб чиқариш қанчалик иқтисодиётга мос эканлигини аниқлаш мумкин. Окен тадқиқотида потенциал ишлаб чиқаришнинг асосий концепцияларини тадқиқ этган [2]. Окен ишсизлик даражасининг табиий даражасидаги фарқи ва ҳақиқий ишлаб чиқаришни потенциал ишлаб чиқаришдан четланиши чизиқли регрессия модели билан ўзаро муносабатини аниқлаган. Унинг тадқиқотига кўра ишсизлик даражасини ўзгариши ва ҳақиқий ишлаб чиқаришни потенциал ишлаб чиқаришдан четланиши билан тескари боғлиқлик мавжуд эканлигини аниқлайди.

Ишсизлик ва потенциал ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўртасида муносабатни кўпинча “Окен конуни” деб номланувчи статистик боғлиқлик билан расмий равишда умумлаштирилади [3].



ЯИМнинг юқори суръатларда ўсиши, охир-оқибат мамалкада мавжуд ресурларни истеъмолини ҳаддан ташқари ошиб кетишига олиб келади. Бундай ҳолат ишсизлик пастлиги сифатида намоён бўладиган меҳнат бозорларида кескинланиши мумкин. Натижада эса паст даражадаги ишсизлик билан боғлиқ меҳнат бозорининг кескинлиги охир-оқибатда нархларнинг ўсишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш четланишини иш ҳаққига таъсирини Филлипс томонидан тадқиқ этилган. “Филлипс эгри чизиги” нархлар ўзгариши ва ишсизликнинг эмперик муносабатини аниклаган. Аникроғи, ўрта муддатли даврларда нархларни ўзгариши самарали иш ҳақини чиқариб ташланган иш ҳақини ўзгаришига тенг бўлади.

Иш ҳақи нархларга мукаммал индексация қилинганда, иш ҳақининг меҳнат унумдорлиги тенденцияси билан бир хил суръатларда ўсишини таъминлайдиган ишсизлик даражаси бўлиб ҳисобланади. Инфляция кескинликларсиз ишсизликнинг даражаси NAIRU (Инфляция тезлашмайдиган ишсилик даражаси) деб аталади.

NAIRU табиатан барқарор бўлиб, вақтинчалик мувозанат бузилганда, вақтинчалик ишсизлик даражасини ошириш керак бўлади. Шу сабабли NAIRU ни иккта тушунчасини қўйидагича тушунтириш мумкин:

1) узок муддатли даврларда, NAIRUга кўра фақатгина тренд самарали бўлиши мумкин.

2) ўрта муддатли даврларда, маълум бир муддатларда ўрта муддатли ставкалар узок муддатли даврлардагидан кўра юқори бўлиши мумкин.

Потенциал ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш четланиш тушунтиришнинг эмперик таҳлили иқтисодий назариядаги тушунтиришга нисбатан унча қатъий ҳисобланмайди. Амалиётда кузатилмайдиган ўзгарувчиларни баҳолашнинг бир нечта усувлари мавжуд. Потенциал ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш четланишни назарий қараашлари хилма-хилиги сабабли уларни баҳолашнинг бир нечта усувлари мавжуд. Биринчи умумий классификация Чагни ва Допкилар томонидан илгари сурилган. Улар усувларни учта тоифага ажратади [4]:

**Бир омилли таркибий бўлмаган ёндашувлар:** Бундай ёндашувларда аниқ бир иқтисодий назарияга асосланишдан кўра статистик процурага асосланган усувлар бўйича потенциал ишлаб чиқариш баҳоланади. Мазкур усулининг кенг қўлланилиши иқтисодий назарияга асосланган усувлардан кўра камроқ маълумот талаб этади. Бу эса Евро ҳудуд учун мос бўлиши мумкин чунки у ерда ялпи даражада маълумотлар кам. Бундан ташқари, мазкур усувлар билан ҳар қандай вақтли қатор маълумоти бўйича потенциал ишлаб чиқариш ҳажмини баҳолаш мумкин. Бу эса иқтисодиётдаги циклик хулқ-атворни таҳлил қилиш имконини беради. Таркибий бўлмаган усувлар билан бизнес циклидаги услублашган фактлар мухокама қилишда фойдаланиш мумкин.

**Кузатув маълумотлар бўйича циклни ўлчаш усувлари.** Потенциал ўсиш ва ишлаб чиқариш четланишни тўғридан-тўғри бизнесга оид кузатувлар бўйича ҳисоблаш мумкин. Бу эса қисқа муддатли вақт горизонтида ишлаб чиқариш технологиялари ўзгармас ва ишлаб чиқариш ресурслари тўлдирувчи бўлиши таҳмин қилинади. Гарчи Евро ҳудудда аниқ саволлар фарқ қилишига қарамай, Европа Коммисияси саноат қувватларидан фойдаланишнинг уйғунлантирувчи вақт қаторини тақдим этади. Шу тариқа, потенциал ишлаб чиқариш самарали ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш четланишнинг (мавжуд қувватлар ва товарлар бозорида кескинликни келтириб чиқармайдаги мос даражада ўртасида фарқ) йигиндисидир.

**Таркибий ёндашувлар:** Мазкур ёндашувлар аниқ бир иқтисодий назарияга асосланади. Амалиётда иккта гуруҳдаги таркибий ёндашувлар кенг қўлланилади: Кўп омилли усувлар бўлиб, уларни VARs (SVARs) деб ҳам аталади ва бу усувлар ялпи ишлаб чиқариш функцияларга асосланади. SVARs асосланган усувлар ишлаб чиқариш четланишни баҳолашнинг ишончлироқ усулидир чунки асосий назарияларнинг аксарияти тренд ва циклларни мустакил равишда кўриб чиқади. Ишлаб чиқариш функциясига асосланган ёндашувлар ишлаб чиқаришнинг чекловларини аниқ кўрсатишга ҳаракат қиласади.

**Кўп омилли таркибий бўлмаган усувлар.** Мазкур ёндашувлар вақтли қаторнинг кўп омилли усувларига таянади ва бир омилли таркибий бўлмаган усувларнинг кенгайтирилган ва такомиллаштирилган варианти ҳисобланади. Мазкур ёндашувлар ўзгарувчилар орасидаги ўзаро алоқаларни ва иқтисодий назарияларни ҳисобга олмайди.

Демак бир омилли таркибий бўлмаган ёндашув потенциал ишлаб чиқариш трендини аниклаш учун кўп омилли таркибий бўлмаган усувлар эса ишлаб чиқариш четланишини



ишизлик ва нарх даражаларини ўзаро муносабатини аниқлашда фойдаланиш мумкин [5, 6, 7]. Таркибий бўлган ёндашувлар эса мамлакат иқтисодиёти тўғрисида кўпроқ маълумот олишда фойдаланиш мумкин. Бунда потенциал ишлаб чиқаришни қайси ишлаб чиқариш омили асосида ўзгартериш мумкинлигини аниқлаб беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Adams, C., R Fenton, P., & Flemming, L. (1987). I Potential Output in Major Industrial Countries. In Staff Studies for the World Econ Outlook, August 1987. International Monetary Fund.
2. David Altig, Terry Fitzgerald “Okun's Law Revisited: Should We Worry about Low Unemployment?”, and Peter Rupert, May 1997.
3. Okun A.M. (1962), “Potential GNP: its Measurement and Significance”, Proceedings of the Business and Economic Statistics Section of the American Statistical Association, Cowels Foundation Paper, 190, Yale University, reprinted in “The Political Economy of Prosperity”, A.M. Okun, The Brookings Institution, Washington DC 1970.
4. Döpke, J., & Chagny, O. (2001). Measures of the output gap in the Euro-zone: An empirical assessment of selected methods (No. 1053). Kiel Working Paper.
5. Ball, L., & Mazumder, S. (2021). A Phillips curve for the euro area. International Finance, 24(1), 2-17.
6. Dixon, R., Lim, G. C., & Van Ours, J. C. (2017). Revisiting the Okun relationship. Applied Economics, 49(28), 2749-2765.
7. Jašová, M., Moessner, R., & Takáts, E. (2020). Domestic and global output gaps as inflation drivers: What does the Phillips curve tell?. Economic Modelling, 87, 238-253.



## ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ - САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**Юлдашева Нилуфар Абдуваҳидовна**

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Фарғона политехника институти “Менежмент” кафедраси доценти

e-mail: nilush1986@bk.ru

Глобаллашув ҳамда рақобатнинг кучайиши - бу дунёда содир бўлаётган, саноат корхоналари фаолиятига бевосита таъсир кўрсатадиган ўзгаришларнинг кичик бир қисми саналади. Ўз навбатида, чуқур ўйланган ва ишлаб чиқилган ривожланиш стратегияси мавжуд бўлгандагина бу вазиятдан чиқиш мумкин.

Инновацион стратегиянинг муваффақиятли амалга оширилиши кейинги ўсиш ва ривожланишнинг гаровидир. Стратегиянинг асосий қоидаларини қайта кўриб чиқиш хўжалик юритувчи субъектларга аввало, ички бозорда, кейин эса ташқи бозорда ўз мавқеини яхшилаш имконини беради.

Ҳозирги даврнинг зарурий шартларидан келиб чиқиб, корхоналарни ривожлантиришнинг қўйидаги максадларини шакллантириш мумкин:

- корхона даромадининг ўсиши;
- корхонанинг инновацион ривожланиши;
- корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун корхоналар ўз фаолиятида бир қатор муҳим ўзгаришларни амалга оширишлари керак.

Саноат корхоналарини ривожлантириш стратегияси қўйидаги тамойилларга асосланиши керак:

1) Инновацион стратегияни амалга оширишда синергия самарасини олишга қаратилган тизимли ёндашув тамойилларини қўллаш.

Инновацион ривожланиш стратегиясининг тизимли табиатишуни англатадики, технологик ривожланиш илмий-тадқиқотлардан инновацияларга олиб борувчи бир томонлама сабабоқибат муносабатлари занжири сифатида эмас, балки корхона салоҳиятининг барча элементлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва қайта алоқа жараёни сифатида қаралади.

Шундай тарзда изчиллик мавжуд инновацион салоҳиятдан ташқи интеграция имкониятлари билан биргаликда самарали фойдаланишдан иборат бўлиб, синергик самарани олиш имконини беради.

2) Ташқи муҳит талабларига мувофиқ доимий равишида ўзгаришишга қаратилган иқтисодий ривожланишнинг мослашувчан моделидан инновацион моделга ўтишни амалга ошириш.

Ушбу ёндашув ривожланиш стратегиясини унинг асосий йўналишларини аниқлаш ва корхонанинг рақобатбардошлигини ошириши мумкин бўлган стратегик ривожланишнинг инновацион усууларини жорий этишга йўналтириш нуқтаи назаридан тубдан қайта кўриб чиқиши ўз ичига олади. Шу билан бирга, корхоналарда амалга оширилаётган стратегияларнинг аксарияти биринчи навбатда адаптив ривожланиш механизmlарини амалга оширишга қаратилган бўлиб, бу уларга бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш имконини беради.

Корхонанинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишда сезиларли натижаларга фақат ўзгаришишлар қилиш ва корхона фаолиятига янги инновацион ишланмаларни киритиш орқали эришилади.

3) Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда корхоналарни стратегик ривожлантиришнинг интеграция тамойилларидан фойдаланиш.

Амалиёт иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ягона ривожланиш самарасизлигини кўрсатади, бу эса хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантиришга ёндашувларни ўзгаришишни назарда тутади.

4) Корхона асосий элементларини ривожлантириш ҳисобига корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш.

Стратегия самарадорлигини баҳолаш, қоида тариқасида, микдорий кўрсаткичлар асосида амалга оширилади, масалан:



- фойдани ошириш;
- бозор улушининг ўсиши;
- сотиш ҳажмини ошириш;
- харажатларни камайтириш ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, замонавий иқтисодиёт шароитида бундай ёндашув корхонанинг инновацион ривожланишини мутлақо кўрсатмайди. Бинобарин, янги маҳсулот ишлаб чиқкан ва вақт ўтиши билан унга ҳеч қандай катта ўзгаришлар киритмаган корхона фаолияти ўрганилса, дастлабки босқичларда корхона ушбу маҳсулотдан катта фойда олишга эришади. Бироқ, стратегик ривожланишда тўхтаб қолиши рақобатчиларга ўзиди кетишга имкон беради, чунки тадбиркорлик субъектлари томонидан замонавий иқтисодиётдаги инновацияларга тақлид қилиш жуда тез амалга оширилади.

Шу сабабли самарадорлик деганда ўсишнинг янги сифати, яъни янги инновацион ишланмалардан фойдаланиш, бизнес жараёнлари ва корхона маҳсулотларини такомиллаштириш асосида микдорий кўрсаткичларни олиш билан боғлиқ жараённи тушунилади.

Ривожланиш стратегиясини қуришнинг умумий концепцияси қуйидаги жиҳатларга асосланishi керак: тизимлилик, инновация, самарадорлик, интеграция.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, таклиф этилаётган концепция самарали натижаларга эришиш учун иқтисодий тизим элементларини сифат жиҳатидан ўзгартириш ва янгилаш, унинг рақобатбардошлигини инновацион интеграция имкониятларини жорий этиш орқали оширишга асосланган тизимли ёндашувга асосланади. Рақобат муҳитида омон қолиш учун саноат корхоналари ўзларининг ривожланиш стратегияларини тубдан қайта кўриб чиқишилари лозим. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги тенденцияларига ўтиш, янги технологиялар ва инсон ресурсларининг афзалликларини рўёбга чиқариш зарур. Ушбу ёндашув инновацияларга асосланган корхонани ривожлантириш стратегиясининг асосий элементи ҳисобланади.



## MOLIYA XIZMATLAR BOZORIDA INTERNET SAVDONING JAHON IQTISODIYOTIDAGI AHAMIYATI

**Ubaydullaeva Dilrabo Boborahmatovna**  
 JIDU “Tizimli tahlil va menejment” kafedrasи  
 “Xalqaro Iqtisodiyot va Menejment” fakulteti  
 I kurs magistranti  
 2206dilrabo@gmail.com  
 +998 903263993


**Annotatsiya.** Mazkur maqola bugungi kunda tobora ommalashib borayotgan va iste'mol bozirda urfga kirayotgan raqamli moliyaviy xizmatlarning istiqbollarini hamda uning jahon iqtisodiyotida tutgan o'rni va albatta, ahamiyati haqida fikr-mulohaza yuritadi. Shu jumladan, ushbu maqola orqali o'quvchi moliyaviy virtual xizmatlar, internet savdo va innovatsion xizmatlar bozori to'g'risida ham ma'lumotlarga ega bo'ladi.

**Kalit so'zlar:** moliyaviy virtual xizmatlar, internet savdo, onlayn sug'urta, onlayn banking, innovatsion xizmatlar bozori.

Bugungi kunda zamонави иқтисодийтинг рақами трансформатсиаси ко'плаб соҳаларда, биринчи нафбатда молиави хизматлар бозорида илгор инноватсияларнинг кириб келишига сабаб бўлди. Молиави virtual хизматлар турли компанийалар, тадбиркорлар ва инвесторларнинг актия, валюта, товар бозорларидаги имкониятларни кенгайтириди.

Biznes-jarayonlarni internet yordamida amalga oshirish iqtisodiy sub'yektlar o'rtaсидаги ананави чегараларни ўзотиб, исхлаб чиқарувчилар, исте'molchilar va moliyaviy tuzilmalarning ehtiyojlarini tez va sifatl qondirishga yordam bermoqda. Internet moliyaviy xizmatlarning eng muhim hususiyatlaridan biri bu - bank, onlayn sug'urta, onlayn savdo, hisob-kitob va to'lov tizimlarida tegishli masofaviy moliyaviy xizmatlardan foydalanishdir. Bunday moliyaviy xizmatlarning afzalliklari to'lovlar va hujjatlarni ko'rib chiqish vaqtini qisqartirish, hisob varaqlari holati to'g'risidagi ma'lumotlarni onlayn rejimda olish va istalgan vaqtida nisbatdan arzon narxda foydalana olish imkoniyatidir.

Moliyaviy xizmatlar bozorining yirik tarmoqlaridan biri bu banklardir va hozirgi kunda banklar tomonidan taklif qilinuvchi onlayn banking hizmati keng qo'llanilmoqda. Uning an'anaviy tizimlardan afzallik tomonlari shundaki, foydalanish maxsus dasturiy ta'minotni joylashtirishni talab qilmaydi va u orqali bank mahsulotlari bo'yicha ma'lumotlarni olish, depozit va kredit operatsiyalariga ariza topshirish kabi ko'p turdagи xizmatlardan foydalanish imkoniyatini beradi. Quyidagi diagrammada (1-rasm) FinTech ning 2020 yildagi hisobotiga ko'ra onlayn bank hizmatlаридан foydalanish darajasi keltirilgan.



**1-rasm. 2020 yil bo'yicha turli mintaqalarda onlayn banking xizmatlaridan foydalanish darajasi.**




### Manbaa: Fintech.com

Covid-19 pandemiyasi sabab bo‘lgan global inqiroz mijozlarning moliyaviy xatti-harakatlariga katta ta’sir ko‘rsatdi. Moliyaviy xizmatlar va bank ilovalari 2020-yilning 2-choragida 2020-yilning birinchi choragiga nisbatan katta o‘sishga erishdi. Bank, moliyaviy xizmatlar va sug‘urta sanoati so‘nggi mobil iste’mol tendentsiyalari hisobotiga ko‘ra, yuklab olishlarning global o‘sishi 2020yilning birinchi choragiga nisbattan 20,28%ga o‘sidi. Amerika qit’asi ushbu soha uchun yuklab olishlar hajmining o‘sishiga yetakchilik qilib, 2-chorakda ilovalarni yuklab olish bo‘yicha 43,67 foizga mustahkam o‘sishni qayd etdi. Ikkinchisi chorakda bank, moliyaviy xizmatlar va sug‘urta sohasida kundalik faol foydalanuvchilarning global o‘sishi birinchi chorakga nisbattan 5,96 foizni tashkil etdi. [1]

Internetdan foydalangan holda, moliyaviy xizmatlarni taqdim etish orqali milliardlab odamlarga foyda keltirish mumkin va bu esa o’n yil ichida rivojlanayotgan mamlakatlar yalpi ichki mahsulotining ko’tarilishiga olib keladi. MakKinsey Global Institutining “Raqamli moliya hamma uchun: Rivojlanayotgan mamlakatlarda o‘sishni ta’minalash” deb nomlangan tadqiqotiga ko‘ra raqamli moliyaning keng qo’llanilishi va foydalanimish 2025-yilga kelib barcha rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyotining YaIMni 6 foizga yoki jami 3,7 trillion dollarga oshirishi mumkin. Bu esa dunyoga yana bir Germaniya yoki bir yirik iqtisodiyotni qo’shish bilan tengdir. Bundan tashqari iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida 95 milliongacha yangi ish o‘rinlarini yaratishi mumkin. Tadqiqotga ko‘ra internetdagи moliyaviy xizmatlarning asosan quyidagi afzallikkari mamlakatlarning yalpi ichki mahsulotiga katta ta’sir ko‘rsatadi. [2]

- Kichik biznes va uy xo’jaliklariga kreditlarning ko‘p ayishi
- Mehnat unumdarligining ortishi; Jismoniy shaxslar uchun vaqtini tejash
- Samaradorlikning ortishi; Xarajatlar va vaqtini tejash; Davlat tomonidan xarajatlar va soliq yigishning chiqib ketmasligini kamaytirish



**2-rasm. Raqamli moliyaviy xizmatlarning YaIMga ta’siri.**

Raqamli moliyaviy xizmatlar qashshoqlikni kamaytirish, turli imkoniyatlarini ochish, sarmoyalarni kengaytirish, ayollarning imkoniyatlarini kengaytirish va kamroq korruptsiyaga ega kuchliroq institutlarni qurishga yordam berishi mumkin – bularning barchasi moliyaviy xizmatlar bozorida barqaror biznes uchun sharoit yaratadi. Jismoniy shaxslar, korxonalar va hukumatlar uchun berilgan imtiyozlar mamlakatlarning iqtisodiyotini yahshi tomonga o‘zgartirish imkonini beradi.

Shuni aytish lozimki, O‘zbekistonda ham aholining raqamli moliyaviy xizmatlarga bo‘lgan talabining oshishi natijasida mamlakatimizda innovatsion moliyaviy xizmatlar bozorini rivojlantirishga qaratilgan chora tadbirlar ko‘rib chiqilmoqda. Xususan, masofaviy bank xizmatlarini rivojlantirish masalalari bo‘yicha 20200yildan “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risidagi”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni kuchga kirganini ta’kidlashimiz lozim. Bu hujjat to‘lov tizimlarini kuzatish, boshqarish, tizimlarda axborot havsizligini ta‘minlashga qo‘ylgan talablar va pul egalarini identifikatsiyalash tartibini belgilaydi. Qonunning qabul qilinishi to‘lovlarini uzlusiz amalga oshirish, innovatsion texnologiyalarni keng joriy etish hamda to‘lov tizimining ishonchli va xavfsizligini ta‘minlash imkonini beradi. Shunday qilib, qisqa vaqt mobaynida moliyaviy xizmatlar bozorida bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda, ammo istiqbolda yana qilinadigan ishlar ko‘p. Yurtimizda raqamli moliyaviy xizmatlar bozorini yanada takomillashtirish uchun mamlakat



aholisning saviyasini ko'tarish va onlayn xizmatlarni sifatli va samarali taqdim etuvchi dasturlar tizimi ustida ishlar olib boorish lozim. Shu sababli so'nggi yillarda innovatsiyaga asoslangan yangi hizmatlar turini kengaytirish va rivojlantirishrish davlatning muhim strategik maqsadiga aylanmoqda.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. TechBullion PR, Digital Banking in 2021: Trends & Customer Engagement Tips, January 2020
2. Ostonov, O. A., Kimsanbaeva, S. B., Raimjonova, U. N., Khaydarova, L. S., & Roziboevna, F. (2020). Some Social Features of the Development of Family Business and Crafts in Uzbekistan in the Context of a Pandemic. International Journal of Pharmaceutical Research.



## TURIZM IQTISODIYOTNING ASOSIY RIVOJLANISH OMILLARIDAN BIRI

Farxodjonova E'zoza Nodir qizi

Jizzax politeknika instituti

2 - bosqich talabasi

Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti

2 - bosqich talabasi


**Annotatsiya:** ushbu maqolada, hozirgi paytdagi turizm sohasining rivojlanishi, investitsiyalarni sohaga keng jalb etish yo'llari va aholi turmush darajasini yaxshilash haqida ma'lumotlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** turizm, korxonalar, iqtisod, investitsiyalar, bozor, ziyorat turizmi, tarixiy obidalar turizmi, savdo turizimi, ilmiy turizm, shaharsozlik turizmi.

Turizm hozirda dunyodagi eng yirik sanoatdir. Hozirgi kunda turizm barcha davlatlar uchun iqtisodiyotni rivojlantirishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Shu boisdan barcha davlatlar o'zining turizm saohiyatidan kelib chiqib uni rivojlantirishga va turistlar oqimini kerakli darajada oshirishga harakat qiladi. Bunga sabab turistlardan keladigan daromad salmog'ining yuqoriligi hisoblanadi. Shu boisdan turizm obyektlarining faoliyati muhim ahamiyat kasb etadi.

Turizm korxonalari turli turistlarning turlarini, ularning xatti-harakatlarini aniqlash va to'g'ri bozor uchun to'g'ri takliflarni yaratish orqali ma'lum bir hududda turizmga bo'lgan talabni aniqlashlari mumkin. Turizm dinamik sohadir. Bu sayyoohlар bilan bog'liq omillar soniga qarab o'zgaradi; boradigan mamlakat, sayyoohlар chiqadigan bozor va boradigan bozor. Turizm menejerlari va tadqiqotchilari turistlarning motivatsiyasi va madaniyati, ularning o'zgaruvchan xatti-harakati, turizmning harakatlantiruvchi va ta'sir etuvchi omillari haqida ko'p narsalarni o'rganadilar. Shuningdek, ular o'zları taqdim etgan qulayliklar va diqqatga sazovor joylarni yoki sayyoohlarni jalb qilishning istiqbolli usullarini o'rganadigan yo'nalishlarni o'rganadilar. Turizmning turlaridan kelib chiqqan holda mavjud resurslardan samarali foydalanganish va sust turizm tarmoqlari(turizm turlari) ga investitsiyalarni samarali jalb etishga qaratiladi.

Turizmnig quyidagi turlari mavjud.



Bularning barchasi mamlakatinizda mavjud. Ulardan samarali foydalangan holda turistlar oqimini samarali oshirishga harakat qilish lozim.

Samarqand, Buxoro, Xorazim va ko'plab viloyatlarimizda ulkan turistik salohiyatga ega obida va majmualar mavjud. Biz investitsiyalarni jalb qilgan holda ularda turizm infratuzilmasini samarali tashkil qilishimiz lozim. Bunda quyidagilarni ajratib ko'rsatish mumkin:

Ziyorat turizmi- mamlakatimizdagi buyuk olimlar islam svelizatsiyasi rivojiga xissa qo'shgan olimlarimizning maqbaralari atrofiga ziyoratchilarga maqbul sharoitlarni yaratish.

Tarixiy obidalar turizmi- mavjud tarixiy obidalar atrofiga ulkan turizm infratuzilmasini shakllantirish. Bu yerga tashrif buyuruvchi turistlarni o'ziga jalb qiluvchi tadbirlar va kechalar tashkil etish.



Savdo turizmi- malakatdagi erkin iqtisodiy zonalarda investitsion jozibadorlikni oshirish va chet ellik investorlarni jalb qilish.

Ilmiy turizm- oliv ta’lim muassasalarimizni jahon reytingidagi o’rnini oshirish va u orqali chet el talabalarini mamlakatimizda o’qishga qiziqtirish.

Shaharsozlik turizmi - mamlakatimizdagi qadimiy shaharsozlik namumalarini jahonga kengroq tanitish va ularni bunga jalb qilish.

Ekskursiyalar- yurtimizdagi diqqatga sazovor joylarni aylanish.

Xulosa qilib aytganda, turizm sohasida ulkan salohiyatga egamiz va biz undan samarali foydalansak, jalb etilayotgan investitsiyalarni maqsadli yo’naltirsak, yurtimizga tashrif buyuradigan turistlat sonini oshiradi deb o’playman. Bundan ko’zlangan asosiy maqsad- sohada yangi ish o’rnlari tashkil etish, aholining ma’lum qismini ish bilan ta’minlashdir. Turistlardan keladigan daromad mamlakat budgetini boyitadi. Turizm infratuzilmasining yaxshilanishi va shu bilan birga aholi turmush farovonligining oshishiga olib keladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Balabanov I.T., Balabanov A.I. Turizm iqtisodiyoti: - M.: Moliya va statistika, 2007.
  - 2.Blank I.A. Investitsiyalarni boshqarish asoslari I.A. Shakl. Kiev: Nika-Tsentr: Elga-N, 2004.
- 536 p.
- 3.www.stat.uz.
  - 4.ziyonet.uz



## SOCIO-ECONOMIC SIGNIFICANCE OF BUSINESS ACTIVITY DEVELOPMENT

Faxxodjonova E'zoza Nodir qizi

Jizzax politeknika institutti

2 - bosqich talabasi

Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston

Milliy universiteti 2 - bosqich talabasi

One of the important directions of the reform program, which is being carried out in the conditions of modernization of the economy, is the rapid development of entrepreneurship and the creation of wide opportunities for it during the transition to the system of market relations.

President Sh. M. As Mirziyoyev stated in his Address to the Oliy Majlis, more favorable conditions will be created for the development of small business and private entrepreneurship.

One thing should be emphasized, entrepreneurs contributed equally with the state for the stable operation of the economy during the pandemic. That's why we all have to stand shoulder to shoulder with entrepreneurs and always support them. In this regard, ensuring the rights of businessmen, especially the inviolability of private property, should be the main task of state bodies at all levels<sup>1</sup>.

An important factor in the economy of each country is the existence of business entities organized in the form of different ownership, interacting and competing with each other. Without business entities, the modern market economy cannot function smoothly and continuously and develop sustainably.

Currently, special attention is being paid to the widest possible development of entrepreneurship in our republic and its territories. Because the development of entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan is considered as a task of strategic importance of the economic policy of the state.

In fact, proper organization of business activities in all regions of our country, creation of favorable conditions and opportunities for them, freedom of business activities, elimination of various obstacles and confusion of management bodies are among the tasks that await the solution of the economy.

In a period of stable development of market relations, the independence, constant activity and initiative based on one's own opinion of economic activity subjects engaged in entrepreneurship, aimed at organizing production, represent the improvement of the socio-economic situation.

Entrepreneurial activity and its main goal is to produce material or other goods and satisfy the demand of consumers in the market in order to obtain business income or profit as a result of its activity. Also, as a result of the development of business activities, it is considered to create new jobs in local areas, to fulfill economic and social tasks by paying taxes to the state and local budgets.

In order to reveal the full essence of the concept of entrepreneurship, it is necessary to consider the opinions and comments given by the scientists of the field, as well as the definitions given to it one by one.

Many scientists in the field are constantly conducting research on the wide promotion and development of entrepreneurship. Since the day of gaining independence, the CIS countries have determined their own path of development and progress. In this regard, the Republic of Uzbekistan considered it preferable to follow the path of the market economy, creating the "Uzbek model" of development.

During the period of consistent development and development of the market economy, various forms of business activity have been formed. Such a consistent action is related to the composition of the founders of various production and service-based enterprises and their entrepreneurial activities, the amount of investment, and other economic and social factors, moving economic activity entities based on different ownership forms and types of activity in a competitive environment.

Subjects engaged in entrepreneurial activities are considered to be individuals who continue

1 Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis . <https://president.uz/uz/lists/view/4057>. 2020.29.12.



their activities by determining their economic, legal and organizational forms, and directly in the process of planning their entrepreneurial activities, they must have their own independent business plan, constantly analyze monthly, quarterly and annual activities from a financial point of view, or it is required to conduct a voluntary audit to assess its condition, to pay taxes to the state and local budgets on time, and to be sufficiently psychological in managing business activities.

**Used literature :**

1. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>. 2020.29.12.
2. Berkinov B.B. Ways to increase the potential of family business. Monograph - T.: Science and technology, 2019;
- 3.stat.uz



## KORXONANING BOSHQARUV FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH YO’NALISHLARI

**Faxxodjonova E’zoza Nodir qizi**

Jizzax politexnika institutti 2 - bosqich talabasi

**Ortiqov Niyat Ne’matilla o‘g‘li**

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston

Milliy universiteti 2 - bosqich talabasi

**Annotatsiya:** O‘zbekistonda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlar bozor munosabatlarini shakllantirar ekan korxonalarining mavjesini ham tubdan o‘zgartirmoqda. Maqolada korxona boshqaruvi haqida ma’lumotlar va korxonaning faoliyatini takomillashtirish yo’nalishlari haqida so’z boradi.

**Kalit so’zlar:** korxona, boshqaruv, uslub, islohot, bevosita, tashkilot, asosiy va majmuaviy

Zamonaviy boshqaruv tizimining asosiy vazifalaridan biri boshqarilayotgan tizim imkoniyatlarini amalga oshirish uchun qulay sharoitlar yaratishdan iborat. Bu imkoniyatlar turli o‘z-o‘zini boshqarish sub’ektlarining huquq va mas’uliyatini kengaytiruvchi boshqaruv ta’sirining turli uslublaridan foydalanish evaziga vujudga keladi.

Korxonaning samaradorligini tavsflovchi asosiy xususiy ko’rsatkichlar, malaka talaba, samaradorligi, moddiy ishlab chiqarish va aylanma mablag’larning aylanmasi hisobiga qabul qilinishi kerak. Korxonalarning iqtisodiy faoliyatini rejalshtirishda, ayniqsa uzoq vaqt davomida iqtisodiy boshqaruvni takomillashtirishning barcha imkoniyatlari va zaxiralarni hisobga olish qiyin. Ularning aksariyati aniqlangan va chuqur iqtisodiy tahlil orqali rejalarining bajarilishida foydalaniladi. Binobarin, tahlil nafaqat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning rejalarini va dinamikasini ob’ektiv baholashni ta’minlaydi, balki korxonalarning optimallashtirish zaxiralari, imkoniyatlari va zaxiralarni aniqlash va umumlashtirishga yordam beradi. Shunday qilib, rejalshtirilgan davr uchun korxonalarning iqtisodiy faoliyatini chuqur kadrlar tahlili amalga oshirilishi kerak, bu rejalshtirilgan ko’rsatkichlar mantiqiy asosiga hissa qo’shilishi va mavjud zaxiralarda to’liq aks ettirilgan. Tahlil qilish, rejalshtirish sifati, rejalshtirish sifati, o’zaro bog’liqlik va muvofiqlikning o’zaro bog’liqligi, mavjud imkoniyatlar va menejment samaradorligini oshirish bo'yicha buxgalteriya hisobidir. Bularning barchasi yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlaydigan maqbul reja va prognozlarni va korxonalarning iqtisodiy faoliyatining individual jihatlarini rivojlantirishning maqbul nisbatlarini ta'minlashga yordam beradi.

Korxona-bu foya olish va ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish maqsadida amalga oshiriladigan iqtisodiy faoliyatni amalga oshirish uchun yaratilgan mustaqil xo’jalik sub’ektidir. Korxonalarga erkinlik va mustaqillik berilishi bilan hal qilinishi lozim bo’lgan boshqaruv jarayonini tashkil etish bilan bog’liq muhim muammo rasman bir-biri bilan bog’liq bo’lmagan boshqaruv tashkilotlari o’rtasidagi o’zaro aloqalarni amalga oshirish hisoblanadi.

Boshqaruv uslubi - bu tashkilot qo’yan maqsadlarga erishish uchun boshqarilayotgan ob’ektlarga ta’sir qilish usullari yig’indisi hisoblanadi.

«Uslub» so’zi bu grekcha «methodos» so’zidan kelib chiqqan bo’lib, tarjimasi biror - bir maqsadga erishish usuli deyiladi. Boshqaruv uslublari orqali boshqaruv faoliyatining asosiy mazmuni amalga oshiriladi. Boshqaruv uslublarini xarakterlab, ularni yo’nalishi mazmuni va tashkiliy shaklini ochish kerak. Boshqaruv uslublari yo’nalishi boshqaruv tizimiga qaratilgan. Mazmuni jihatidan - bu ta’sir qilish usullari o’ziga hosligidir. Tashkiliy shakli - aniq hosil bo’lgan vaziyatga ta’sir qilish. Bu to’g’ridan-to’g’ri (bevosita) yoki bilvosita ta’sir bo’lishi mumkin. Boshqaruv amaliyotida turli uslublar va ularning qorishmasi (kombinatsiyasi)dan bir vaqtning o’zida foydalaniladi. Barcha boshqaruv uslublari tashkiliy tomondan bir-birini to’ldiradi, doimiy dinamik muvozanatda bo’lishadi.

Boshqaruv uslublari yo’nalishi doim bir xil - ular mehnat faoliyatini amalga oshiruvchi odamlarga yo’naltirilgan.

Shundan kelib chiqish kerakki, boshqaruvning ma’lum uslubida ham mazmun, ham yo’nalish, ham tashkiliy shakl ma’lum tarzda qorishtirilgan. Shuning uchun boshqaruvning quyidagi uslublarini ajratish mumkin:



-to'g'ridan-to'g'ri direktiv ko'rsatmalarga asoslangan tash-kiliy-ma'muriy;

-iqtisodiy;

-odamlarning ijtimoiy faolligini oshirish maqsadida qo'llanuvchi ijtimoiy va ijtimoiy - psixologik;

-ijtimoiy tizimni o'zini-o'zi nazorat qilishi sifatida o'z-o'zini boshqarish.

### Adabiyotlar

1. Abdullayev Yo., Karimov F. Kichik biznes va tadbirkorlik asoslari. – T.: Mehnat, 2010. - 349 b.
2. O'zbekiston raqamlarda (statistik to'plam). - T.: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi, 2018, 201 bet.
- 3.O'lmasov A., Vahobov A. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – T.: Sharq, 2006.
- 4.ziyonet.uz



## SANOAT KORXONALARIDA SIFATNI BOSHQARISH VAZIFALARI

**Mamatkulova Nodira Maxkamovna, dotsent.**

e-mail: nodirabegim.777@mail.ru,

(+99890) 994-79-82,

Toshkent arxitektura qurilish instituti

**Annotasiya:** Ushbu maqolada sanoat korxonalarida sifatni boshqarish vazifalarining ilmiy-nazariy jihatlari ko'rsatib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Sanoat korxonalarida sifatni boshqarish jarayoni, sifatni boshqarish vazifalari, standartlar, mahsulot sifat darajasini baholash, ishlab chiqarilayotgan mahsulot sifatini oshirish, mahsulotni texnologiyasini tayyorlash, kadrlarni tanlash va tayyorlash.

Sifatni boshqarish jarayoni loyihalash va konstruksiyalash bosqichida maqbul darajani ta'minlash, zamonaviy ilmiy-texnik imkoniyatlarga va xaridor talabiga mos keltirish, so'ngra ishlab chiqarish jarayonida bu sifat ko'rsatgichlarini real mahsulotda ta'milab berishdan iborat. Bu darajaga mahsulot sifatini kompleks boshqarish tizimlarni ishlab chiqib va tatbiq etib erishish mumkin.

Davlat standartlashtirish tizimi mahsulot sifatini boshqarishni asosiy omili bo'lib xizmat qiladi. Sifatni boshqarish kompleks tizimiga quyidagilar kiradi: standartlar - maqsadni belgilovchi, ya'ni mahsulot sifatiga qo'yilgan talablarni me'yorlari, maqsadga erishishni ta'minlovchi standartlar, ya'ni sifatga ta'sir etuvchi omillarni reglamentlashtirish.

Ehtiyojni oldindan bilish standartlari, mahsulot sifat texnik darajasini standartlari. Savdo assortimentini va sifatni boshqarishni hamma bosqichlarida ishtirok etishi kerak. Loyihalash va tadqiqot qilish bosqichida savdo tashkilotlari, ishlab chiqarish va loyihalash korxonalariga yangi turdag'i mahsulotni yaratishga yoki yangilashga buyurtmalar berishlari kerak.

Tajribaviy na'munani qabul qilishda savdo xodimlari hal qiluvchi ovozlardan birini beradi, chunki yangi mahsulotni iste'mol xossalariiga to'g'ri baho berishi kerak.

Tayyorlash bosqichida bunda mahsulotni attestatsiyadan o'tkaziladi. Savdo xodimlari Davlat Attestatsiya komissiyaga a'zo bo'lib kirishadi. Bunda aholi talabi va ehtiyojidan kelib chiqgan xolda mahsulot sifatiga xolisona baho berishi kerak.

Muomala va taqsimot bosqichida savdo xodimlari tovarlarni saqlash, tashish, sotish sharoitlarini shunday yaratilishi kerakki uyda mahsulot sifatida zarar yetmasligi kerak. Bu bosqichda mahsulotlar sifat ko'rsatichlari bo'yicha qabul qilinishi kerak. Ekspluatatsiya va iste'mol qilish bosqichida tovarlarni to'g'ri ekspluatatsiya qilish, ularga xizmat qilish, sifatini tiklash, eskirgan mahsulotlarni chiqitga chiqarish jarayonlarini tashkil qilish kerak.

Savdo bu haqidagi axborotni xaridorlarga yetkazishi kerak. Bizni yurtimizda mahsulot sifatini boshqarishning yagona davlat tizimi mavjuddir. Uning asosiy maqsadi kam mablag' sarf qilgan xolda yuqori sifatli mahsulot ishlab chiqarishdir. Bunday maqsad faqat ilm-fan, texnika yutuqlarini ilg'or tajribani ishlab chiqarishga keng va izchil joriy qilishidagina amalga oshirishi mumkin. Yuqoridagi tizim - davlat standarti asosida mahsulot ishlab chiqarishga asoslangan.

Mahsulotni sifatini boshqarishning yagona davlat tizimi keng assortimentli yangi mahsulotni ishlab chiqishga va o'zlashtirishga mo'ljalangan. Mahsulot sifatini boshqarishni yagona davlat tizimi quyidagi vazifani o'z zimmasiga olgan:

mahsulotni iste'mol va texnik darajasi to'g'risida ma'lumot berish; ishlab chiqarilayotgan mahsulot sifatini oshirish; mahsulot sifat darajasini baholash; yangi xil mahsulotni ishlab chiqish va ta'minoti; mahsulotni texnologiyasini tayyorlash; material-texnik ta'minoti; metrologik ta'minot; kadrlarni tanlash va tayyorlash; doimiy bir xillikni ta'minlash (uroven); tashish, saqlash, ta'minlash; soha tekshiruvini ta'minlash; sifatni rag'batlashtirish.

### Foydalanilgan manbalar:

1. <https://choosevoice.ru/uz/chto-takoe-upravlenie-kachestvom-na-predpriyatiu-upravlenie-kachestvom-ponyatie.html>
2. <https://avtovsamare.ru/uz/sistema-upravleniya-kachestvom-vypuskaemoi-produkcii-upravlenie/>

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фарруҳ Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000